



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA
VAZIRLIGI**

2024

ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ

**ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРНИНГ
ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ
НАТИЖАЛАРИ**

Тошкент 2025 йил

МУНДАРИЖА

РЕЗЮМЕ.....	3
1. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	4
1.1. Баҳолашга оид амалдаги қонунчилик	4
1.2. Баҳолаш бўйича саволнома	4
1.3. 2024 йил учун баҳолаш режаси	6
2. БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР	6
3. БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН КИРИТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЖРОСИ	9
4. РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР	10
5. ЯКУНИЙ ҚИСМ.....	11
Вазирлик ва идоралар кесимида баҳолаш натижалари (Илова).....	12

РЕЗЮМЕ

Бугунги кунда вазирлик ва идораларда ички аудит хизматлари (кейинги ўринларда – ички аудит хизматлари) **бюджет интизомини мустаҳкамлаш** (I), бюджет тўғрисидаги **қонунчилик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш** (II), **бюджет тизими бюджетларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш** (III) мақсадида фаолият олиб бормоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сонли қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда фаолиятни такомиллаштириб бориш мақсадида **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш** (кейинги ўринларда – баҳолаш) **амалга оширилди**.

2024 йилда хавф таҳлили асосида танлаб олинган **15 та** вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматларида (*жами ички аудит хизматлари мавжуд бўлган вазирлик ва идораларнинг* **42 фоизи**) **баҳолаш ўтказилди**.

Маълумот учун: Баҳолаш ўтказилган ички аудит хизматлари ўз фаолиятида давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг **11 фоизини** ёки вазирлик ва идоралар тизимидаги бюджет ташкилотларининг **19 фоизини (4 660 та) қамраб олади**.

Баҳолаш ички аудит хизматлари фаолиятини тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида ташкил этилиши, хавф таҳлили тизимининг йўлга қўйилиши, ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши, аудит тадбирлари натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсия (чора-тадбир)ларнинг ижро этилиши ва ходимларнинг малака даражасини қамраб олган 7 та йўналишдаги намунавий саволномага балл бериш орқали амалга оширилди.

Маълумот учун: Баҳолаш натижаларига кўра, ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси 90 фоиз ва ундан юқори бўлганда «юқори», 70-90 фоиз оралиғида бўлганда «ўрта», 70 фоиздан кам бўлганда «паст» деб баҳоланади.

Баҳолаш натижасига кўра, **10 та (67,0%)** вазирлик ва идораларда ички аудит хизматлари фаолияти «ўрта» ва қолган **5 та (33,0%)** вазирлик ва идораларда «паст» даражада баҳоланди.

Бунда баҳоланган **9 та** вазирликларнинг **7 таси (78%)** ва бошқа **6 та** идоралар (қўмиталар, агентликлар ва бошқа ташкилотлар) ички аудит хизматларининг **3 таси (50%)** «ўрта» даражада баҳоланди.

Шунингдек, баҳолаш натижаларига кўра ўрганилган ички аудит хизматларида тегишли йўналишлардаги аксарият кўрсаткичларнинг юқори эмаслиги аниқланди (*жамланма маълумотлар мазкур ҳисоботнинг 2-қисмида келтирилади*).

Баҳолаш доирасида қуйидаги масалаларни ўз ичига олувчи **чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идора биринчи раҳбарлари томонидан тасдиқланди:**

ички аудит хизматларининг ички ҳужжатларини ички аудитга оид қонунчиликка мувофиқлаштириш;

хавф таҳлили сифатини ошириш;

ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилишини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш;

ходимларнинг малакасини ошириб бориш ва кадрлар захирасини шакллантириш;

ички аудит хизматларида ички баҳолашни йўлга қўйиш.

Мазкур чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда ички аудит хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чорак якунида ҳисоботлар тақдим этилиб келинмоқда.

1. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ВА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

1.1. Баҳолашга оид амалдаги қонунчилик

Мамлакатимизда ички аудит хизматлари фаолиятининг ички аудитга оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш мақсадида, уларнинг фаолиятини баҳолаш амалиёти йўлга қўйилган. Хусусан, баҳолаш жараёни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 августдаги 377-сонли қарори билан тасдиқланган Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ҳар йили қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ички аудит хизматлари фаолиятига оид маълумотлардан фойдаланган ҳолда хавф таҳлилини амалга ошириш ҳамда мазкур таҳлил натижалари асосида баҳолаш ўтказиладиган ички аудит хизматларини танлаб олиш ва баҳолаш режасини ишлаб чиқиш;

баҳолаш тўғрисида вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда ушбу ички аудит хизмати фаолиятини ўн иш кунидан ошмаган муддатда баҳолаш;

1.2. Баҳолаш бўйича саволнома

Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш белгиланган тартибда баҳолаш бўйича намунавий саволномани тўлдириш асосида амалга оширилади. Ўз навбатида, баҳолаш бўйича саволнома қуйидаги йўналишлардаги саволларни ўз ичига олади:

ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши;

ички аудит хизмати фаолиятига оид тегишли ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши;

ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши;

ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши;

баҳолаш натижалари бўйича маълумотнома расмийлаштириш, ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар асосида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

ички аудит хизматлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши мониторингини амалга ошириш.

Ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, ички аудит хизмати фаолиятининг баҳолаш бўйича сифат даражаси қуйидагича баҳоланади:

90 фоиз ва ундан юқори бўлганда, «юқори»;

70 фоиздан (шу жумладан, 70 фоиз) 90 фоизгача бўлганда, «ўрта»;

70 фоиздан кам бўлганда, «паст».

Бунда, сифат даражаси кўрсаткичи ҳар бир йўналишдаги саволларга берилган баллар йиғиндисининг ушбу йўналишдаги саволларга берилиши мумкин бўлган энг юқори баллар йиғиндисига нисбатини белгиланган вазнга кўпайтириш орқали аниқланади.

чора-тадбирлар режасининг бажарилиши;

ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси;

ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар.

Шунингдек, саволномадаги йўналишларнинг ички аудит хизматлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳимлигидан келиб чиқиб, уларга вазн белгиланган. Яъни, маълум бир йўналишдаги саволларнинг муҳимлилик даражаси бошқа йўналишдаги саволлардан юқорироқ эканлиги уларга вазн белгилаш орқали акс эттирилган. Шунга асосан, баҳолаш бўйича саволномадаги йўналишларга қуйидагича вазн белгиланган (1-жадвал).

**Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш бўйича намунавий саволлар
йўналишларига белгиланган вазнлар миқдори**

T/p	Назорат саволлари йўналиши	Вазн
1.	Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши	0,10
2.	Ички аудит хизмати фаолиятига оид тегишли ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши	0,10
3.	Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши	0,20
4.	Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши	0,20
5.	Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши	0,20
6.	Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси	0,15
7.	Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар	0,05

Юқоридаги жадвалда кўрсатилгандек, **ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (0,20), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (0,20) ва чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (0,20)** йўналишларига юқори вазн белгиланган.

Бунга асосий сабаб сифатида халқаро илғор тажрибаларда, хусусан, Жаҳон банкининг Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA) дастури¹ томонидан ўтказиладиган баҳолаш жараёнида ички аудит компоненти учун ички аудит йиллик режаларининг бажарилиши, ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши асосий индикаторлар ҳисобланишини келтириб ўтиш мумкин.

Маълумот учун: Мамлакатимиз вазирлик ва идораларининг ички аудит хизматлари фаолияти 2024 йилда Жаҳон банкининг давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA) мезонлари бўйича халқаро илғор стандартларга «мувофиқ» (B+) деб баҳоланди (2019 йилда ушбу натижа «қониқарсиз» (D+) деб баҳоланган).

¹ Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик самарадорлигини баҳолаш услубиёти
<https://www.pefa.org>

1.3. 2024 йил учун баҳолаш режаси

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 13 февралдаги 23-32-сонли буйруғи билан 2024 йил учун ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш йиллик режаси тасдиқланган.

Мазкур режага хавф таҳлили натижаларига кўра юқори хавф даражасига эга ички аудит хизматлари киритилган бўлиб, 2024 йилда баҳолаш қуйидаги жадвалда келтирилган вазирлик ва идоралар ички аудит хизматларида амалга оширилган.

2-жадвал

Ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш йиллик режаси

Т/р	Вазирлик ва идора номи	Баҳолаш ўтказиш мuddати
1.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	04.03.2024 – 15.03.2024
2.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги	25.03.2024 – 05.04.2024
3.	Сув хўжалиги вазирлиги	15.04.2024 – 26.04.2024
4.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	06.05.2024 – 17.05.2024
5.	Спорт вазирлиги	27.05.2024 – 07.06.2024
6.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	17.06.2024 – 28.06.2024
7.	Маданият вазирлиги	08.07.2024 – 19.07.2024
8.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	29.07.2024 – 09.08.2024
9.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	19.08.2024 – 30.08.2024
10.	Солиқ қўмитаси	09.09.2024 – 20.09.2024
11.	Статистика агентлиги	30.09.2024 – 04.10.2024
12.	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	14.10.2024 – 18.10.2024
13.	Миллий ахборот агентлиги	28.10.2024 – 01.11.2024
14.	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	11.11.2024 – 15.11.2024
15.	Фанлар академияси	25.11.2024 – 29.11.2024

2. БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

2024 йилнинг биринчи ярми давомида **6 та вазирликда**, жумладан, **Сув хўжалиги вазирлиги (42,4%)** ва **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (66,7%)** ички аудит хизматлари фаолиятининг сифат даражаси «**паст**» ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **(72,4%)**, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **(73,7%)**, Спорт вазирлиги **(75,8%)**, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари **(80,9%)** ички аудит хизматлари фаолиятининг сифат даражаси «**ўрта**» даражада баҳоланди ҳамда баҳолаш натижалари бўйича ярим йиллик ҳисобот Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

2024 йилнинг иккинчи ярмида **9 та вазирлик ва идораларда**, жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги **(71,7%)**, Маданият вазирлиги **(73,3%)**, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **(82,1%)**, Солиқ қўмитаси **(86,3%)**, Статистика агентлиги **(44,3%)**, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги **(56,6%)**, Миллий ахборот агентлиги **(76,5%)**, Фанлар академияси **(67,1%)** ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида **(81,4%)** ички аудит хизматлари фаолиятининг сифат даражаси баҳоланди *(1-расм)*.

2024 йил давомида вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш натижалари

T/р	Назорат саволлари йўналиши	Солиқ қўмитаси	Бандлик вазирлиги	Миллий телерадиокомпания	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	Миллий ахборот агентлиги	Спорт вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Маданият вазирлиги	Қурилиш ва коммунал хўжалиги вазирлиги	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Фанлар академияси	Экология вазирлиги	Техник тартибга солиш агентлиги	Статистика агентлиги	Сув хўжалиги вазирлиги
Сифат даражаси (фоизда)		86,3% (ўрта)	82,1% (ўрта)	81,4% (ўрта)	80,9% (ўрта)	76,5% (ўрта)	75,8% (ўрта)	73,7% (ўрта)	73,3% (ўрта)	72,4% (ўрта)	71,7% (ўрта)	67,1% (паст)	66,7% (паст)	56,6% (паст)	44,3% (паст)	42,4% (паст)
1	Ички аудит хизмати фаолиятига алоҳида саволлар	100%	100%	100%	100%	100%	75%	100%	75%	100%	100%	100%	50%	75%	100%	100%
2	Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши	80%	100%	100%	90%	100%	100%	90%	50%	90%	90%	100%	85%	100%	100%	75%
3	Ички аудит хизмати ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши	100%	100%	100%	38%	100%	100%	50%	63%	100%	88%	100%	100%	100%	100%	63%
4	Ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши	80%	50%	100%	100%	80%	80%	90%	80%	40%	90%	80%	80%	60%	20%	30%
5	Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси	100%	88%	50%	88%	75%	63%	63%	75%	50%	75%	75%	50%	25%	75%	38%
6	Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши	71%	100%	64%	100%	71%	83%	67%	67%	83%	29%	64%	33%	36%	0%	0%
7	Йиллик режанинг ҳавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши	90%	70%	80%	50%	50%	50%	70%	70%	100%	70%	10%	40%	50%	20%	60%

Ушбу расмда баҳолаш йўналишлари бўйича вазирлик ва идоралар ички аудит хизматлари фаолиятининг сифат даражаси акс эттирилган. Бунда, ички аудит хизматининг сифат даражаси ҳар бир йўналиш натижаларидан келиб чиқиб аниқланган.

Баҳолаш жараёнида **ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ва ресурслар билан таъминланиши** ҳамда **ички аудит хизмати фаолиятига оид тегишли ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши** йўналишлари бўйича аксарият вазирлик ва идораларда **«юқори» (90** фоиз ва ундан юқори) натижалар қайд этилди.

Шундай бўлсада, **чора-тадбирлар режасининг бажарилиши** йўналиши бўйича Сув хўжалиги вазирлиги, ва *Статистика агентлигида* белгиланган вазифалар ижроси амалга оширилмаганлиги, *Соғлиқни сақлаш вазирлиги (29%)*, *Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида (33%)* натижалар **«паст» даражада эканлиги аниқланди.**

Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши йўналишида *Фанлар академияси (10%)*, *Статистика агентлиги (20%)* ва *Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (40%)*да **«паст» даражадаги натижалар қайд этилди.**

Шунингдек, баҳолашда **ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши** йўналишида ички аудит хизматлари томонидан **ички аудит тадбирлари учун белгиланган тартибда дастур ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда ҳисоботларда таклиф ва тавсиялар билдирилмаганлиги сабабли** *Статистика агентлиги (20%)*, *Сув хўжалиги вазирлиги (30%)*, *Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (40%)* ҳамда *Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида (50%)* нисбатан **«паст» даражадаги натижалар қайд этилди.**

Шу билан бирга, **ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси** йўналиши бўйича кўрсаткичлар бошқа йўналишларга нисбатан паст даражада қолмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида 2023 йил давомида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказига малака ошириш учун юборилган ички аудит хизматлари ходимларининг аксарияти малака оширишни **муваффақиятли (ўқув маркази сертификати билан) яқунлай олмаганликлари**, шунингдек, мазкур Марказ томонидан 2024 йилда ташкил этилган малака ошириш курсларига аксарият ички аудит хизматлари ходимларининг қатнашмаганлигини келтириб ўтиш мумкин.

Мазкур йўналишда *Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (25%)*, *Сув хўжалиги вазирлиги (38%)*, *Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (25%)* ҳамда *Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (50%)* ички аудит хизматлари фаолияти **«паст» даражада баҳоланган.**

Саволноманинг **ички аудит хизмати фаолиятига оид бошқа саволлар** йўналиши, жумладан, мурожаатлар ижроси кўрсаткичи ҳамда электрон маълумотлар ва ҳужжатлардан тўсиқсиз фойдаланиш бўйича баҳолаш ўтказилган аксарият ички аудит хизматларида **«ўрта»** ва **«юқори»** даражадаги натижалар қайд этилди.

Баҳолаш натижалари бўйича вазирлик ва идоралар кесимидаги батафсил маълумотлар мазкур Ҳисоботга **иловада** келтириб ўтилган.

3. БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ИЧКИ АУДИТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН КИРИТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ИЖРОСИ

2024 йил давомида ўтказилган баҳолаш натижалари асосида ички аудит хизматлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар, тизимли муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, ички аудит хизматларининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ҳар бир вазирлик ва идораларда чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилди.

Хусусан, ички аудит хизматлари фаолиятида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар берилди:

Ички аудит фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши бўйича:

ички аудит хизмати тўғрисидаги низомнинг ички аудитга оид амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш;

ходимлар лавозим йўриқномаларини ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқиш ва тасдиқланишини таъминлаш;

Ички аудит йиллик режасини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш бўйича:

ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиш ва хавф таҳлилини такомиллаштириш;

ички аудит йиллик режасини бажариш учун вақт ресурсларини тўғри режалаштириш;

Ички аудит тадбирларининг ўтказилишини самарадорлигини ошириш бўйича:

ички аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилишини ички аудит фаолиятига оид қонунчиликка мувофиқ амалга оширилишини таъминлаш;

ички аудит тадбирлари натижалари бўйича чора-тадбирлар режасининг белгиланган тартибда тузиш ҳамда ижросининг мониторингини амалга ошириш;

ички аудит тадбирларини ўтказишда асосий эътиборни қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олишга (профилактикага) қаратиш;

ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудитни амалга ошириш;

ички аудит тадбирларининг самарадорлигини ошириш мақсадида ички баҳолашни йўлга қўйиш;

тизимдаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ҳамда ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатлар мониторингини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган самарадорлик индикаторларининг бажарилишини таҳлил қилиш ва баҳолаб бориш;

Ички аудит хизматида самарали кадрлар сиёсатини йўлга қўйиш бўйича:

вазирлик ва идорада ички аудит фаолиятини амалга ошириш учун ички аудит хизмати ходимларининг (штат бирликларининг) етарлигини кўриб чиқиш;

ходимлар малакасини доимий ошириб бориш, шунингдек, ички аудит хизматида мавжуд вакант лавозимларни малакали кадрлар билан тўлдириш ҳамда ички аудит хизмати учун кадрлар захирасини яратиш;

Ички аудит фаолиятини ривожлантириш бўйича бошқа масалалар:

ички аудитнинг халқаро илғор тажрибаларини ўрганиш;

вазирлик тизимидаги ташкилотларда ташкил этилган ички аудит хизматлари билан ҳамкорлик ҳамда ҳисобдорликни йўлга қўйиш;

ички назорат жараёнларини такомиллаштириш.

Ўз навбатида, баҳолаш ўтказилган вазирлик ва идоралар томонидан **ички аудит хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар амалга оширилди:**

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида ички аудит хизмати коррупцияга қарши курашиш бўлинмасидан ажратилиб, мустақил таркибий тузилма сифатида қайта ташкил этилди;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида ички аудит хизматининг тўғридан-тўғри биринчи раҳбарга бўйсунуви таъминланди;

4. РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ИШЛАР

Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолашни амалга ошириш бўйича 2025 йил давомида қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

хавф таҳлили асосида 2025 йилда баҳолаш ўтказиладиган ички аудит хизматлари танлаб олинади ва баҳолаш йиллик режаси ишлаб чиқилади;

қабул қилинган ички аудитга оид қонунчилик ҳужжатлари ва амалиётдан келиб чиқиб, ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш саволномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади;

Баҳолаш натижасида «**паст**» даражада баҳоланган йўналишларни яхшилаш бўйича вазирлик ва идоралар билан мунтазам ва яқиндан ишлар олиб борилади ҳамда 2024 йил давомида баҳолаш ўтказилган ички аудит хизматлари томонидан чоратадбирлар режасини бажарилиши мониторинги давом эттирилади;

Сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда Миллий ахборот агентлигида ички аудит хизмати тўғрисидаги низомлар ҳамда ходимлар лавозим йўриқномаларининг ички аудитга оид амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги таъминланди;

Баҳолаш ўтказилган ички аудит хизматларига 2024 йил давомида **24 та қўшимча штат бирликлари киритилди** ҳамда **20 нафар малака сертификатига эга ходимлар билан тўлдирилди.**

Ички аудит хизмати ходимларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўқув марказида малакасини ошириш чоралари кўрилади ҳамда фаолиятга оид миллий ва хорижий экспертлар иштирокида ўқув семинарлар ва тренинглар ўтказилиб борилади.

Шу билан бирга, ўрта ва узоқ муддатли режаларда ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тизимини илғор хориж тажрибалари асосида доимий такомиллаштириб бориш ва рақамлаштириш назарда тутилган.

5. ЯКУНИЙ ҚИСМ

2024 йилда ички аудит хизматлари фаолиятини баҳолаш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида вазирлик ва идораларда ички аудит фаолиятини яхшилаш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Жумладан:

ички аудит хизматлари фаолиятига оид амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти ҳамда улардан фойдаланиш ички аудит хизматлари ходимларига атрофлича етказилди;

ички аудит тузилмалари фаолиятини «мувофиқлик аудити»дан ўтказиш йўлга қўйилди;

ички аудит тузилмаларида мавжуд муаммолар аниқланиб бартараф этиш чоралари қўрилди;

ички аудит хизматларига оид ички ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқ

ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши таъминланди;

ички аудит хизматларининг мустақиллиги ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таъминланди;

ички аудит хизматлари фаолиятининг хавф таҳлилига йўналтирилиши бўйича амалий ёрдам кўрсатилди, хавф таҳлилинини ташкил этиш ҳамда баҳолаш бўйича ходимларнинг билим ва кўникмалари оширилди;

ички аудит тадбирларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилиши, таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилиши ва бажарилиши муҳимлиги бўйича услубий ёрдам кўрсатилди;

ички аудит хизматлари ходимларининг бевосита баҳолаш жараёнида малакасини ошириш чоралари қўрилди.

Вазирлик ва идоралар кесимида баҳолаш натижалари

Сув ҳўжалиги вазирлиги

Сув ҳўжалиги вазирлиги ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 15 апрелидан 26 апрелига қадар амалга оширилди. Унга кўра, Ички аудит бошқармаси фаолиятининг **сифат даражаси 42,4 фоиз кўрсаткич билан «паст» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятига оид ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши (**16 баллдан 10 балл (63%)**), ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**10 баллдан 6 балл (60%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**10 баллдан 3 балл (30%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**6 баллдан 0 балл (0%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси (**8 баллдан 3 балл (38%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича вазирликнинг **ички аудит бошқармаси низомида унинг фаолиятига вазирликнинг бошқа мансабдор шахслари**, шунингдек, бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари **аралашувига йўл қўйилмаслиги** ҳамда **бошқарма ходимлари вазирликнинг асосий фаолияти натижаларига жавобгар ҳисобланмаслигига оид талаблар киритилмаган.**

2. Ички аудит хизмати фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича бошқарма низомининг **намунавий низомга мослаштириш лозим бўлган бандлари мавжуд.** Жумладан, бошқарма низомида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва олдини олиш чораларини кўриш белгиланмаган.

3. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши бўйича йиллик режа билан **хавф даражаси юқори бўлган аудит объектлари тўлиқ қамраб олинмасдан хавф даражаси ўрта бўлган объектлар киритилган.** Йиллик режани ишлаб чиқишда **режадан ташқари ички аудит тадбирлари учун қўшимча вақт ажратилмаган.**


4. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит тадбирлари натижалари **Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ расмийлаштирилмаган.**

5. Чора-тадбирлар режасининг ички аудит объектлари томонидан бажарилиши йўналиши бўйича бошқарма томонидан 2023-2024 йилларда ўтказилган **ички аудит тадбирлари натижалари юзасидан чора-тадбирлар режаси расмийлаштирилмаган.**

6. Ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси йўналиши бўйича 2023 йил мобайнида Вазирлик тизимидаги ички аудит хизматлари ходимларининг **12 нафари** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида қатнашган бўлиб, уларнинг **7 нафари (58%)** малака ошириш курсини муваффақиятли тамомлаган ҳамда малака оширганлик тўғрисида сертификат олган.

Баҳолаш натижасига кўра, вазирлик томонидан ички аудит бошқармаси (ички) низоми ва ходимлар лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ҳолда қайта тасдиқланди, ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда аудит тадбирлари натижалари бўйича чора-тадбирлар режасининг ишлаб чиқиши Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Сув хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Статистика агентлиги

Статистика агентлиги ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 30 сентябридан 4 октябрга қадар амалга оширилди. Унга кўра, Ички аудит хизмати фаолиятининг **сифат даражаси 44,3 фоиз кўрсаткич билан «паст» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**10 баллдан 2 балл (20%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**10 баллдан 2 балл (20%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**14 баллдан 0 балл (0%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси (**8 баллдан 6 балл (75%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши бўйича йиллик режа **хавф таҳлили ўтказилмаган ҳолда ишлаб чиқилган.** Йиллик режани ишлаб чиқишда **режадан ташқари ички аудит тадбирларига ажратилмаган вақт ресурслари учун жами вақт ресурсларининг ҳисоб-китоби қилинмаган.**

2. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши бўйича **ички аудит тадбирлари учун дастур ишлаб чиқилмаган.** Ички аудит тадбирлари натижалари **Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ расмийлаштирилмаган ва унда хизматнинг таклиф ва тавсиялари билдирилмаган.**

3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати томонидан 2023-2024 йилларда ўтказилган **ички аудит тадбирлари натижалари юзасидан чора-тадбирлар режаси расмийлаштирилмаган.**

Ички аудит хизмати томонидан бюджет тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) ишлари ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудит тадбирлари амалга оширилмаган.**

4. Агентликда ички аудит хизмати ходими Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлари асосида баҳоланиши амалга оширилмаган.

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит хизмати томонидан йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши бўйича тушинтириш берилди. Шунингдек, ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши, аудит тадбирлари натижалари бўйича чора-тадбирлар режасининг ишлаб чиқиши ҳамда унинг мониторинги **Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.**

Статистика агентлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 14 октябридан 18 октябрига қадар амалга оширилди. Унга кўра, Молиявий ички аудит хизмати фаолиятининг сифат даражаси **56,6 фоиз кўрсаткич билан «паст» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**10 баллдан 5 балл (50%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**10 баллдан 6 балл (60%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**14 баллдан 5 балл (36%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси (**8 баллдан 2 балл (25%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича 2024 йил йиллик режани ишлаб чиқишда **хавф таҳлили ўтказилмаган**, шунингдек бунда **режадан ташқари ички аудит тадбирларига ажратилмаган вақт ресурслари учун жами вақт ресурсларининг ҳисоб-китоби қилинмаган.**

2. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбирлари натижалари ҳисоботида хизматнинг таклиф ва тавсиялари ҳамда ички аудит объектларининг фикр-мулоҳазалари билдирилмаган.**

3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати томонидан **йиллик режага киритилган ички аудит тадбирлари ўтказилмаган.**


Молиявий ички аудит хизмати томонидан бюджет тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) ишлари** ҳамда **ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудит тадбирлари амалга оширилмаган.**

4. Агентликда ички аудит хизмати ходими Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлари асосида баҳоланиши амалга оширилмаган.

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит хизмати ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ҳамда вақт ресурсларини режалаштирилиши бўйича тушинтириш берилди.

Шунингдек, баҳолаш жараётида ички аудит хизмати томонидан аудит тадбирларининг ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши, аудит тадбирлари натижалари бўйича чора-тадбирлар режасининг ишлаб чиқиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Техник тартибга солиш агентлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида 2024 йилнинг 25 мартдан 5 апрелга қадар ўтказилган ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижасига кўра, Ички аудит бўлимининг **сифат даражаси 66,7 фоиз кўрсаткич билан «паст» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**6 баллдан 2 балл (33%)**), ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши (**10 баллдан 4 балл (40%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**10 баллдан 8 балл (80%)**), ички аудит фаолиятини ташкил этилиши (**20 баллдан 17 балл (85%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича **ички аудит функцияси коррупцияга қарши курашиш функцияси билан бир бўлимда ташкил этилганлиги маълум бўлди.**

2. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **йиллик режа хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилмаганлиги** ҳамда **ички аудит объектлари тўлиқ қамраб олинмаганлиги** маълум бўлди.

3. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича бўлим томонидан ўтказилган ички аудит тадбирлари учун белгиланган тартибда **дастур ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди.**

4. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича 2023 йилда ўтказилган ички аудит тадбирлари давомида тайёрланган **чора-тадбирлар режаси бажарилиши бўйича мониторинг йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлди.**

Баҳолаш натижасига кўра, вазирликнинг ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва вазирликнинг тегишли буйруғи билан ички аудит бўлими коррупцияга қарши курашиш бўлиmidан ажратилди, шунингдек ушбу буйруқ билан ички аудитга оид барча ички ҳужжатлари тасдиқланишига эришилди.


Жумладан, баҳолаш жараёнида бўлимнинг низоми ҳамда ички аудит ходимларнинг лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқлаштирилди.

Шу билан бирга, Ички аудит хизмати биринчи раҳбарга ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисобдорлиги, бўлим ходимларининг вазифа ва функциялари ички аудит низоми билан белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ички аудит бўлими ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг
ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 25 ноябридан 29 ноябрига қадар амалга оширилди. Унга кўра ички аудит хизмати фаолиятининг **сифат даражаси 67,1 фоиз кўрсаткич билан «паст» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқишиши (**10 баллдан 1 балл (10%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**10 баллдан 8 балл (80%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**14 баллдан 9 балл (64%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси (**8 баллдан 6 балл (75%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқишиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича йиллик режа **хавф таҳлили ўтказилмаган ҳолда ишлаб чиқилган.** Йиллик режани ишлаб чиқишда **режадан ташқари ички аудит тадбирларига ажратиладиган вақт ресурслари учун жами вақт ресурсларининг ҳисоб-китоби қилинмаган..**

2. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати томонидан **ички аудит тадбирлари учун дастур ишлаб чиқилмаган.**

3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати томонидан **ички аудит тадбирларида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар чора-тадбирлар режасига тўлиқ киритилмаган.**

Ички аудит хизмати томонидан бюджет тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) ишлари ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудит тадбирлари амалга оширилмаган.**


4. Академияда ички аудит хизмати ходимлари Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлари асосида баҳоланиши амалга оширилмаган.

Баҳолаш натижасига кўра, хизматнинг низоми ҳамда ходимларнинг лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, ички аудит хизмати ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқишиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 29 июлидан 9 августига қадар амалга оширилди. Унга кўра ички аудит хизмати фаолиятининг **сифат даражаси 71,7 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши (**20 баллдан 18 балл (90%)**), ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши (**16 баллдан 14 балл (88%)**), ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**10 баллдан 7 балл (70%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**10 баллдан 9 балл (90%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**14 баллдан 4 балл (29%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси (**8 баллдан 6 балл (75%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича **ички аудит бўлими низомида** бўлимга асосий фаолият йўналишидан ташқари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган **бошқа функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланмаган.**

2. Ички аудит фаолиятини амалга ошириш йўналиши бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши бўйича **ички аудит бўлими ходимларининг лавозим йўриқномаларида** ходимлар жавобгарлиги белгилаб ўтилмаган.

3. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича йиллик режани ишлаб чиқишда хавф таҳлили натижаларига кўра **хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари вақт ва инсон ресурслари етарли бўлмаганлиги сабабли режада тўлиқ қамраб олинмаган ва бу тўғрисида биринчи раҳбар хабардор қилинмаган.**

4. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги **ҳисоботларни белгиланган муддатлардан кечикиб тақдим этган ҳолатлари мавжуд.**


5. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбирлари натижалари бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар режаси тузилмаган, шунингдек чора-тадбирлар режасининг ижроси бўйича мониторинг йўлга қўйилмаган.** Ички аудит бўлими томонидан 2024 йил йиллик режанинг бажарилиши кўрсаткичи **ҳисобот даврига кўра «паст» даражани (34%) ташкил этган.**

6. Ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси йўналиши бўйича 2023 йил мобайнида ички аудит хизмати ходимларидан **21 нафари** Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида қатнашган, шундан **14 нафари** ижобий, **7 нафари** қониқарсиз натижа қайд этган.

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит бўлими ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ички аудит хизматини баҳолаш 2024 йилнинг 6 майдан 17 майга қадар амалга оширилди. Унга кўра, ички аудит бўлими фаолиятининг **сифат даражаси 72,4 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши **(10 баллдан 4 балл (40%),** ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси **(8 баллдан 2 балл (25%))** йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича **ички аудит бўлимининг бевосита биринчи раҳбарга бўйсунуви белгиланмаган.**


2. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбири ҳисоботи Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ эмаслиги маълум бўлди.** Шунингдек, **ички аудит тадбири ҳисоботида таклиф ва тавсиялар мавжуд эмас.**

3. Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси йўналиши бўйича вазирлик тизимидаги ички аудит хизматлари ходимларидан ҳеч бири Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида қатнашмаганлиги маълум бўлди.

Баҳолаш натижасига кўра, вазирликнинг тегишли буйруғига мувофиқ ички аудит бўлимининг тўғридан-тўғри биринчи раҳбарга бўйсунуви таъминланди.

Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Маданият вазирлиги

Маданият вазирлиги ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 8 июлидан 19 июлига қадар амалга оширилди. Унга кўра, ички аудит ва молиявий назорат бўлими фаолиятининг **сифат даражаси 73,3 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши **(20 баллдан 10 балл (50%))**, ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши **(16 баллдан 10 балл (63%))**, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши **(10 баллдан 7 балл (70%))**, ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши **(10 баллдан 8 балл (80%))**, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши **(6 баллдан 4 балл (67%))** йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича **ички аудит хизмати** вазирлик марказий аппаратида **мустақил таркибий тузилма сифатида эмас, балки молиявий назорат билан биргаликда ташкил қилинган.** Шунингдек, **бўлимнинг бевосита биринчи раҳбарга бўйсунуви белгиланмаган** (вазир маслаҳатчисига бўйсунуши белгиланган).

2. Ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **ички аудит хизмати тўғрисидаги низом** Ички аудит хизмати тўғрисидаги **намунавий низомга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилмаган.**

3. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича йиллик режани ишлаб чиқишда хавф таҳлили натижаларига кўра **хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари вақт ва инсон ресурслари етарли бўлмаганлиги сабабли режага тўлиқ қамраб олинмаган ва бу тўғрисида биринчи раҳбар хабардор қилинмаган.**


4. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги **ҳисоботларни белгиланган муддатлардан кечикиб тақдим этган ҳолатлари мавжуд.**

5. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбирлари натижалари бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланган тартибда тузилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит хизмати мустақил таркибий бўлинма сифатида қайта ташкил этилди ҳамда бўлимнинг низоми ва ходимларнинг лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқлаштирилди.

Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Маданият вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 4 мартдан 15 мартага қадар амалга оширилди. Унга кўра, ички аудит бўлими фаолиятининг **сифат даражаси 73,7 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятига оид тегишли ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши (**16 баллдан 8 балл (50%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси (**8 баллдан 5 балл (63%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**6 баллдан 4 балл (67%)**), ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**10 баллдан 7 балл (70%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомил-лаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати низомида **ички аудит бўлими ходимининг Вазирлик асосий фаолият натижаларига жавобгар ҳисобланмаслигига оид талаблар киритилмаган.**

2. Ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий **низомда келтирилмаган масалалар ҳам қамраб олинганлиги аниқланган.**

3. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқишда **вазирлик тизимидаги 961 ташкилотлардан 179 таси қамраб олинган** ва хавф омилларига **вазн белгилашда камчиликларга йўл қўйилган.**

4. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича 2023 йил давомида **чора-тадбирлар режасининг бажарилиши бўйича мониторинг юритилмаганлиги маълум бўлди.**


5. Ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси йўналиши бўйича 2023 йил мобайнида вазирлик тизимидаги ички аудит хизматлари ходимларининг **11 нафари** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида қатнашган бўлиб, уларнинг **1 нафари (9%)** малака ошириш курсини муваффақиятли тамомлаганлиги тўғрисида сертификат олган.

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит бўлимининг низоми ва ходимларнинг лавозим йўриқномалари Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, ички аудит бўлими ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Спорт вазирлиги

Спорт вазирлигида ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 27 майдан 7 июнига қадар амалга оширилди. Унга кўра, Ички аудит бошқармаси фаолиятининг **сифат даражаси 75,8 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши *(10 баллдан 5 балл (50%))*, ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси *(8 баллдан 5 балл (62%))* йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича йиллик режага **83 та** ички аудит объекти киритилган, бироқ хавф даражаси юқори бўлган **33 та** ички аудит объектининг **22 таси** йиллик режага киритилган яъни хавф даражаси юқори бўлган **11 та ички аудит объектлари вақт ва инсон ресурслари етарли бўлмаганлиги сабабли тўлиқ қамраб олинмаган.**


Режадан ташқари ички аудит тадбирлари учун **вақт ресурслари ажратилиши бўйича тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган.**

2. Ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси йўналиши бўйича 2023 йил мобайнида Бошқарма ходимларидан **9 нафари** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида қатнашган, шундан **5 нафари** ижобий, **4 нафари** қониқарсиз натижа қайд этган.

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларнинг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Шунингдек, ички аудит бўлими ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Спорт вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 28 октябридан 1 ноябрга қадар амалга оширилди. Унга кўра, Ички аудит хизмати фаолиятининг **сифат даражаси 76,5 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**10 баллдан 5 балл (50%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**10 баллдан 8 балл (80%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**14 баллдан 10 балл (71%)**), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси (**8 баллдан 6 балл (75%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича йиллик режа **хавф таҳлили ўтказилмаган ҳолда ишлаб чиқилган.** Йиллик режани ишлаб чиқишда **режадан ташқари ички аудит тадбирларига ажратилмаган вақт ресурслари учун жами вақт ресурсларининг ҳисоб-китоби қилинмаган.**

2. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбирлари ҳисоботларида ички аудит объектларининг фикр-мулоҳазалари билдирилмаган.**


3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмат томонидан бюджет тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) ишлари ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудит тадбирлари амалга оширилмаган.**

4. Агентликда ички аудит хизмати ходими Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлари асосида баҳоланиши амалга оширилмаган.

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит хизмати ходимига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ички аудит хизматини баҳолаш 2024 йилнинг 17 июнидан 28 июнига қадар амалга оширилди. Унга кўра, ички аудит бошқармаси фаолиятининг **сифат даражаси 80,9 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятига оид тегишли ички ҳужжатларнинг қабул қилиниши (**16 баллдан 6 балл (38%)**), ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши (**10 баллдан 5 балл (50%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомил-лаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит фаолиятини амалга ошириш бўйича тегишли ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича Ички аудит бошқармасининг низоми Ички аудит хизмати тўғрисидаги **намунавий низомига мувофиқ бўлмаган бандлар билан ишлаб чиқилган.**

2. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **йиллик режага хавф даражаси юқори бўлган 18 та ички аудит объектлари киритилмаган.**


Режадан ташқари ички аудит тадбирлари учун **вақт ресурслари ажратилиши бўйича тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилмаган.**

3. Ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси йўналиши бўйича 2023 йил мобайнида вазирлик тизим ташкилотлари ҳамда Бошқарма ходимларидан **18 нафари** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида қатнашган, шундан **12 нафари** ижобий, **6 нафари** қониқарсиз натижа қайд этган.

Баҳолаш натижасига кўра, вазирлик томонидан ички аудит бошқармаси (ички) низоми Ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ ҳолда қайта тасдиқланди. Ички аудит йиллик режанинг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқилиши ва вақт ресурсларининг режалаштириши Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилиши бўйича тушинтиришлар берилди.

Шунингдек, ички аудит бошқармасининг **7 нафар** ходими 2024 йилда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида мувафаққиятли иштирок этди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 11 ноябридан 15 ноябрига қадар амалга оширилди. Унга кўра, ички аудит бўлими фаолиятининг **сифат даражаси 81,4 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши **(10 баллдан 8 балл (80%))**, чора-тадбирлар режасининг бажарилиши **(14 баллдан 9 балл (64%))**, ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси **(8 баллдан 4 балл (50%))** йўналишлари бўйича **қуйидаги такомил-лаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича ички аудит йиллик режасини ишлаб чиқишда **хавф таҳлилининг ўтказиш жараёнига барча ички аудит объеклари қамраб олинмаган.**

2. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича ички аудит хизмати **йиллик режасининг бажарилиши ҳисобот даврида тўлиқ таъминланмаган.**


Ички аудит хизмати томонидан бюджет тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) ишлари** ҳамда **ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий аудит тадбирлари амалга оширилмаган.**

3. Ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси йўналиши бўйича ички аудит хизмати ходимлари 2023-2024 йиллар давомида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги **Ўқув маркази томонидан ташкил этилган малака ошириш курсларида иштирок этмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит хизмати ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 19 августидан 29 августига қадар амалга оширилди. Унга кўра, ички аудит бошқармаси фаолиятининг **сифат даражаси 82,1 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (*10 баллдан 7 балл (70%)*), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (*10 баллдан 5 балл (50%)*), ички аудит хизмати ходимларининг малака даражаси (*8 баллдан 7 балл (88%)*) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича йиллик режани ишлаб чиқишда хавф таҳлили натижаларига кўра **хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари вақт ва инсон ресурслари етарли бўлмаганлиги сабабли режага тўлиқ қамраб олинмаган ва бу тўғрисида биринчи раҳбар хабардор қилинмаган.**


2. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбирлари натижалари Ички аудит тадбирини ўтказиш қўлланмасига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилмаган ҳамда унда ички аудит хизматининг таклиф ва тавсиялари билдирилмаган.**

3. Ички аудит хизматлари ходимларининг малака даражаси йўналиши бўйича 2023 йил мобайнида вазирлик тизим ташкилотлари ҳамда бошқарма ходимларидан **13 нафари** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида малака ошириш курсларида қатнашган, шундан **5 нафари** ижобий, **7 нафари** қониқарсиз натижа қайд этган.

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит хизмати ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Ички аудит тадбирлари натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари



Солиқ қўмитаси

Солиқ қўмитаси ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш 2024 йилнинг 9 сентябридан 20 сентябрига қадар амалга оширилди. Унга кўра, Ички аудит бошқармаси фаолиятининг **сифат даражаси 86,3 фоиз кўрсаткич билан «ўрта» даражада баҳоланди.**

Баҳолаш натижасида, ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши (**20 баллдан 16 балл (80%)**), ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши (**10 баллдан 9 балл (90%)**), ички аудит тадбирларининг қонунчиликка мувофиқ ўтказилиши ва натижаларининг расмийлаштирилиши (**10 баллдан 8 балл (80%)**), чора-тадбирлар режасининг бажарилиши (**14 баллдан 10 балл (71%)**) йўналишлари бўйича **қуйидаги такомиллаштирилиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланди:**

1. Ички аудит хизмати фаолиятининг белгиланган тартибда ташкил этилиши, мустақиллиги ҳамда ресурслар билан таъминланиши йўналиши бўйича **ички аудит бошқармаси тўғридан-тўғри биринчи раҳбарга эмас унинг ўринбосари бўйсунувида ташкил этилган.** Шунингдек, бошқарма ўз фаолиятини амалга ошириш учун **етарли инсон ресурсларига эга эмас.**

2. Ички аудит йиллик режасининг хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ва расмийлаштирилиши йўналиши бўйича йиллик режани ишлаб чиқишда хавф таҳлили натижаларига кўра **хавф даражаси юқори бўлган ички аудит объектлари вақт ва инсон ресурслари етарли бўлмаганлиги сабабли режага тўлиқ қамраб олинмаган.**

3. Ички аудит тадбирларининг ички аудит фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши ва натижалари расмийлаштирилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбирлари ҳисоботларида аудит объектларининг фикр-мулоҳазалари билдирилмаган.**

4. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши йўналиши бўйича **ички аудит тадбирлари натижалари бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган.**

Ички аудит хизмати томонидан бюджет тўғрисидаги **қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш (профилактика) ишлари амалга оширилмаган.**

Баҳолаш натижасига кўра, ички аудит хизмати ходимларига ички аудит йиллик режасини хавф таҳлили асосида ишлаб чиқиши ҳамда вақт ресурсларининг тўғри режалаштирилиши тушунтириб ўтилди.

Шунингдек, ички аудит тадбирларининг ўтказилиши, натижаларининг расмийлаштирилиши ҳамда унинг мониторинги Ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмасига (рўйхат рақами 3406, 27.12.2022 йил) мувофиқ ҳолда йўлга қўйилди.

Солиқ қўмитасининг ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш натижалари

